

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020 Tar.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАРИПОВ ЖАҲОНГИР ГУЛМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ МИГРАЦИЯСИ СИЁСАТИ: 1950-1980**  
**ЙИЛЛАР (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Zaripov Jaxongir Gulmurodovich**

Ўзбекистонда саноат миграцияси сиёсати: 1950-1980 йиллар (Бухоро вилояти мисолида)..... 3

**Зарипов Жахонгир Гулмуродович**

Политика промышленной миграции в Узбекистане в 1950-1980 гг. (на примере Бухарской области) ..... 23

**Zaripov Jakhongir Gulmurodovich**

Industrial migration policy in Uzbekistan in 1950-1980 (by the example of Bukhara region) ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020 Tar.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗАРИПОВ ЖАҲОНГИР ГУЛМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА САНОАТ МИГРАЦИЯСИ СИЁСАТИ: 1950-1980**  
**ЙИЛЛАР (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томошида В.2022.1.PhD/Tar1024 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация авторсферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хаитов Шадмон Ахмадович**  
тарих фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Мўминова Гавҳар Эсановна**  
тарих фанлари доктори, профессор.

**Аминова Азиза Марксовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент.

**Етакчи ташкилот:**

**Термиз давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи 27.02.2020 Таг.72.07. рақамли Илмий кенгашнинг 2022-йил « 23 » 11 соат 1408 мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118 Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел:(365 ) 221-29-14, факс: 65 2212707. E-mail : [buxdu\\_rector@buxdu.uz](mailto:buxdu_rector@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№1228 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118 Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси хиёбони, 11-уй Тел: 0 (365) 221-29-14, факс: 65 2212707).

Диссертация автореферати 2022-йил “ 8 ” ноябр таркатилди.

(2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



**Иноятгов С.И.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

**Рашидов О.Р.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари доктори (DSc), доцент.

**Ғойибов Б.С.**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, тарих фанлари доктори, доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг автореферати)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги даврда жаҳон ҳамжамияти қонуний ва ноқонуний равишда амалга оширилаётган мураккаб ва зиддиятли миграция жараёнларини бошидан кечирмоқда. Узок асрлардан буён миграция жараёнлари жамиятнинг, сиёсий ва иқтисодий соҳаларида глобал ўзгаришларга ўз таъсирини ўтказиб келди. Совет ҳукуматининг дастлабки йилларидаёқ саноат соҳасидаги кадрлар муаммосига дуч келган ва бу муаммони ечиш йўлларида бири миграция (аҳолини кўчириш) деб қаралган. Миграцион жараёнлар совет ҳокимияти йилларида узлуксиз давом этиб, миграция турли шакл ва кўринишларга эга бўлган. Саноат миграцияси ҳам жаҳон мамлакатлари миграцион жараёнлардан четда қолмаган ва у ҳозиргача саноат корхоналарига арзон ишчи кучини тўлдириш билан боғлиқ, бу эса ўз навбатида етук мутахассискадрлар тайёрлашга долзарблик касб этади.

Дунёнинг турли мамлакатларида миграция муаммосини ўрганувчи илмий тадқиқот марказлари иш олиб бормоқда. Жумладан: Швециядаги СЕИФО<sup>1</sup> (Халқаро миграция ва этник муносабатлар бўйича тадқиқот дастури), Нидерландиядаги Эрсомер<sup>2</sup> (Миграция ва этник муносабатлар бўйича Европа тадқиқот маркази) ва Германиядаги миллий ҳудудий ФЗАА<sup>3</sup> (Иммиграция ва бошпана ҳуқуқи масалалари бўйича тадқиқот маркази), Бельгиядаги Одиссеус<sup>4</sup> (Одиссей тармоғи Европада иммиграция ва бошпана ҳуқуқий тадқиқотлар бўйича Академик тармоқ) кабиларнинг фаолиятини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу марказлар миграция сабабларини ўрганишда ва таҳлил қилишда катта илмий ютуқларни қўлга киритмоқда.

Ўзбекистон ССРда ХХ асрнинг 50-80 йиллари саноат тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобида бўш иш ўринларини яратиш, аҳолини янги саноат шаҳарларига кўчириш тарихи, аҳоли бандлигини таъминлаш уларнинг малака ва кўникмалирини шакллантириш аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этиш зарурияти юзага келди. Жумладан, республика саноат ишлаб чиқариши ва иқтисодиётининг барқарор суратлатларда ўсишини таъминлаш вазифаси доимий стратегик аҳамиятга эга бўлиб қолган. Тарихий тажрибадан келиб чиқиб ҳозирги Бухоро вилоятининг «Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи», «Қандим газни қайта ишлаш заводи», «Кнауф» ва бошқа саноат объектларининг ишчи кучи билан таъминлаш, мигрантларни моддий рағбатлантириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш механизмининг ўрганиш, бу борадаги муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига оид тавсиялар бериш мавзунинг долзарблигини асослайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги ПК-3182-сон «Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштиришни таъминлаш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон «Маҳаллий ишлаб

<sup>1</sup> <https://www.ru.nl>

<sup>2</sup> <https://www.ercomer.eu>

<sup>3</sup> <https://knowledge4policy.ec.europa.eu>

<sup>4</sup> <https://migrationpolicycentre.eu>

чиқарувчи-ларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2021 йил 2 июндаги ПФ-6240-сон «Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳаси-да давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг: 2015 19 октябрдаги 1066-сонли «Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 31 декабрдаги «2020-йилгача бўлган даврда сифат миллий инфратузил - масини ривожлантириш дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 21 сентябрдаги 794-сон «2019 – 2023 - йилларда Бухоро вилоятини шу даврда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори, 2020 йил 19 май, 291-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун ва қарорлар ҳамда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот Республикамизда фан ва технологиялар ривожланишининг: I. «Ахборотлаштириш ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилиш даражаси.** Масаланинг тарихшунослик таҳлили диссертациянинг биринчи бобида келтирилган.

Ушбу ўринда келтирилган айрим ишларда асосан Совет Иттифоқи даврида саноат корхоналарининг айрим муаммолари, юқори малакали кадрлар тайёрлаш масалалари, миграциянинг статистик таҳлиллари ва кўчириш жараёнларининг мақсад ва вазифалари қисман булсада ўрганилган. Ушбу муаммонинг тарихшунослигини ўрганиб, таҳлил қилиб, қуйидаги хулосага келиш ўринли деб ҳисобланди. Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти буйича 1950-1980-йиллардаги саноат миграцияси сиёсати алоҳида яхлит тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу эса мазкур мавзунинг илмий аҳамиятини яхлит диссертация сифатида тадқиқ қилишни тақозо этади.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ – «Ўзбекистонда эмиграция ва миграция жараёнлари тарихи (2017-2021 йиллар)» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Ўзбекистоннинг Бухоро вилояти мисолида 1950-1980 – йилларда саноат миграцияси жараёнларини тарихий таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

– Ўзбекистонда саноат миграциясига тегишли бўлган манбаларни очиб бериш.

– 1950-1980 йилларда саноат зоналари тарихига бағишланган тарихий адабиётларни Бухоро вилояти мисолида таҳлил қилиш;

– Ўзбекистонда ва шу билан бирга Бухоро вилоятининг ишчиларни кўчириш ва жалб қилиш бўлимининг 1950-80 йилларда қайта тузилиши ва ўзгариш жараёнида саноат шаҳарчалари ва зоналарига бўлиб ўтган миграцияни ўрнини кўрсатиш.

– Бухоро вилоятида 1950-1980 – йилларда аҳолини кўчириш ва саноат миграцияси ёрдамида саноат зоналарининг ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилиш;

– Ўзбекистонда ва Бухоро вилоятида саноат миграцияси оқибатида келиб чиққан иқтисодий омилларини аниқлаштириш;

- Бухоро вилоятида саноат миграциясининг ўзига хос жиҳатлари, саноат мигрантларининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзига таъсирини очиб бериш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 1950-1980 йилларда Ўзбекистоннинг Бухоро вилоятида саноат миграцияси жараёнларини очиб беришда архив маълумотлари (Миллий архив, Бухоро вилоят давлат архиви, туман ва шаҳар архивлари), саноат миграцияси бўйича илмий китоблар ва 1950-1980 йиллар оралиғида нашрга чиққан газета ва журналлар тадқиқотнинг объекти сифатида танлаб олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** Бухоро вилояти саноат зоналари ва шаҳарларида миграция жараёни асосида саноат корхоналарида фаолият юритган мигрантларнинг ижтимоий-моддий, маданиймаиший, турмуши ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишида объективлик, тарихийлик, қиёсий аналитик таҳлил, анкета сўров (оғзаки тарих), миқдорий ва муаммовий хронологик ёндашув усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

– 1950-1980 - йилларда Ўзбекистонда саноат миграциясининг омил ва сабаблари, саноат шаҳарлари (Зарафшон, Газли, Навбахор, Қоровулбозор ва б.қ.) вужудга келишида миграциянинг таъсири, кўчирилган аҳолини оғир ва енгил саноатни шаклланиш тарихига таъсири, саноат корхоналаридаги мигрантлар аниқланган;

– 1950-1980 - йилларда фуқароларни иш билан таъминлаш муаммосини бартараф этиш учун «Бухороннефтегаз» ва «Бухорогазпромстрой»га кўчириш жараёни, шу билан бирга кўчирилган зоналарда мигрантларнинг маишиймоддий турмуш шароитларини яратиш, кўчирилган ишчиларнинг бандлиги билан боғлиқ ҳолатлар далилланди;

– Бухоро вилоятида статистик кўрсаткичлар асосида саноат зоналарига кўчирилган халқлар (миллий таркиби: саноат зоналарида; рус, яҳудий, беларус, украин, немис ва қозоқлар, шунингдек қурилиш зоналарида: болгар, тожик, кавказ халқлари, қирғиз, ўзбек в.х.к.) эканлиги ва уларга оид аниқ маълумотлар очиб берилган;

– саноат тизимининг миграция сиёсати учун молиявий ҳаражатлар назоратсизлиги учун иқтисодий оқибатларни келиб чиқиш сабаблари (1960 йилда қуриқ ва бўз ерларга тартибсиз кўчириш натижасида давлатнинг иқтисодий тушкунликка тушиши ва шу билан бирга ишчилар қўнимсизлигининг ривожланиши оқибатида режалаштирилмаган ҳаражат-

ларнинг ошиши оқибатлари), шунингдек, мигрантларнинг республика ижтимоий-маданий ҳаёти ва менталитетига таъсири, мажбурий миграция ҳолатлари ва унга бўлган негатив муносабатлар, хорижий давлатлардан вилоятга келган мигрантлар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқ статистик далиллар орқали исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари.** Тарихий ва фанлараро ёндашув асосида 1950-1980 йилларда Ўзбекистонда саноат миграцияси сиёсати Бухоро вилояти мисолида кўрсатиб берилган қуйидагилардан иборат:

– Бухоро вилояти саноат зоналари мисолида, айниқса, маҳаллий миллат вакилларида малакали кадрлар тайёрлашни шакллантириш бўйича саноатнинг тармоқ ва тармоқлараро таъсири масалалари ва шу билан боғлиқ қатор янги маълумотлар, архив ҳужжатлари ва материаллар илк бор илмий муома-лага киритилган;

– Кенг турдаги манбалар асосида 1950-1980 йиллар оралиғида Бухоро вилоятида жойлашган саноат зоналарига асосан ёш авлодни (16-30 ёш) кўчириш орқали улар орасида ишсизлик билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ва ишчиларнинг ишга ташкилий жалб қилишнинг режалаштирилган тизими фаолиятига оид янги маълумотлар, архив ҳужжатлари ва публицистик маълумотлар таҳлил қилиниб илк бор илмий муомалага киритилган, ҳам-да улар асосида Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин бўлган маълумотлар ёритиб берилган;

– меҳнат статистикасини аниқлаш учун Ўзбекистонда саноат зоналаридаги бўш иш жойларини тўлдириш рўйхатига эҳтиёж яратилганлиги, меҳнаткашларни корхоналар бўйича тақсимлаш, маҳаллий корхоналарга ишчиларни қабул қилиш, айрим мутахассисларни хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон саноат корхоналарига кўчириш, шунингдек маҳаллий ишчиларнинг статистикаси кабилар ёритиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ва амалий ёндашув усуллари кўлланилганлиги, кўп сонли архив ҳужжатлари, тарихий адабиётлар ва даврий матбуот материалларидан фойдаланилганлиги, диссертацияда келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат муассасалари томонидан тасдиқланганлиги изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноатда миграция сиёсати тарихини янги маълумотлар билан бойитиш ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётни баҳолашни ўрганиш учун, совет давридаги Ўзбекистоннинг саноат ташкилотлари ва миграция сиёсати билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этиш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти миграция сиёсатини шакллантириш ва тажрибаларидан республикада саноат ва қурилиш дастурларини ишлаб чиқишда, шунингдек, саноатни кадрлар билан таъминлаш бўйича Олий ўқув юртларини ва ушбу соҳа мутахассислари учун Ўзбекистоннинг янги тарихи ва ўзбеклар миграцияси тарихи бўйича ўқув материалларини тайёрлашда фойдаланиш билан тавсифланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** «Ўзбекистонда саноат миграцияси сиёсати: 1950-1980 йилларда (Бухоро вилояти мисолида)» муаммосини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлардан:

Ўзбекистоннинг саноат зоналарида мигрантларнинг мослашуви, маҳаллий аҳоли билан ижтимоий-психологик муносабатлари, меҳнат шароитлари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишга оид уларда янги стереотипларни шакллантиришдаги илмий хулосалар Бухоро давлат университетининг Ф-1-002 рақами остида «Миллий ғоялар шаклланиши ва ёшларнинг мафкуравий механизмини ривожлантиришнинг психологик оқибатлари (2017-2020 йил-лар)» илмий тадқиқотининг амалий натижаларини таҳлил қилишга хизмат қилган;

Ўзбекистонда саноат миграциясининг омил ва сабаблари, саноат шаҳарлари вужудга келишида миграциянинг таъсири, кўчирилган аҳолини оғир ва енгил саноатни ташкил этишдаги иштироки, саноат корхоналаридаги мигрантлар фоизи, фуқароларнинг маиший-моддий турмуш шароитлари, кўчирилган ишчиларнинг ҳаёт фаолияти, мигрантларнинг мамлакат ижтимоий-маданий ҳаёти ва менталитетига таъсири, хорижий давлатлардан Бухоро вилоятга келган мигрантлар томонидан жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги тўғрисидаги илмий янгиликлар ва натижалардан «Бухоро давлат музей кўриқхонаси»да «Миграция ва миллий кадриятлар равнақи» номли кўргазмада ташкил этишда, мазкур кўргазма орқали диссертация илмий натижалари амалиётга фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос агентлиги 2022 йил 7 июндаги 2/92 сонли маълумотномаси). Ушбу диссертациянинг фактик материаллари, музей фондини янги маълумотлар билан бойитишда фойдаланиб келинмоқда.

Совет ҳукумати томонидан саноат зоналарини янада ривожлантириш, саноатнинг қурилиш корхоналарида миграция жараёнида юз берган глобал ўзгаришлар оқибатида келиб чиққан муаммолар, саноат шаҳарчаларида бўлиб ўтган мажбурий миграция оқибатида Ўзбекистонда 1950-1980 йилларда туб аҳоли ва мигрантлар ўртасидаги ассимиляция жараёни ҳақидаги маълумотлар Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг “Замондош”, “Асрларнинг асраганлари”, “Ассалом Бухоро” кўрсатувларини олиб боришда фойдаланилган (Бухоро вилоят МТРК 2022 йил 27 майдаги 1/115-сон маълумотномаси). Ушбу маълумотлар томошабинларни вилоятдаги саноат корхоналари им-кониятларидан фойдаланиш тарихи тажрибасидан хабардор бўлишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий мақола чоп этилган, шундан 3 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда, шу жумладан, 7 таси республика, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 147 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Диссертациянинг кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгилаб олинган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Аҳоли миграциясининг манбашунослиги ва тарихшунослиги**» деб номланган биринчи бобида аҳоли миграцияси билан боғлиқ манбалар ва тарихий тадқиқотлар таҳлил этилган. Муаммонинг манбавий жихатлари ўрганилар экан, уларни куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: 1. Архив манбалари; 2. Даврий матбуот материаллари; 3. Эсдалик ва хотиралар; 4. Дала суҳбати материаллари;

Архив манбалари гуруҳига, Ўзбекистон Миллий архиви, Бухоро вилояти давлат архиви, Бухоро шаҳри ва туманлари архивларининг ҳужжатлари киради. Уларда Бухоро вилоят ижроия кўмитаси ва Ўзбекистон ССР саноат вазирлигининг 1950-1980-йиллардаги «ташкилий ишга қабул қилиш бўлими»<sup>5</sup> ва «кўчириш бошқармаси», бундан ташқари архивларда саноат миграцияси масалаларига таалукли қарор, фармон ва буйруқлар ҳужжатлари ўрганилди. Жумладан, архив ҳужжатларида СССР Меҳнат захиралари вазирлигининг буйруғи билан давлатнинг уюшган ишга қабул қилиш Бош бошқармаси бошлиғи М. Поляков томонидан, 1952 йил 7 майдаги 2195-сонли қарорига мувофиқ «Рангли металлургия вазирлигининг мис ва кўрғошин саноати корхоналари ва қурилиш объектларига шошилиш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>6</sup> қарорига мувофиқ, қурилиш ва оғир саноат корхоналарига Қозоғистон ва Ўзбекистон ССР меҳнат захираларидан 1700 киши<sup>7</sup> миқдоридан ёрдам бериш учун кўшимча отряд узатилган, бу эса ўз навбатида 1952-1955 - йилларда Ўрта Осиё ва Шарққа кўчирилган саноат корхоналарини ривожлантиришда биринчи қадам эканлиги кайд этилган. Ўзбекистон ССРнинг саноат тузилмаси фаолиятини ривожлантириш учун, совет ҳукуматининг Европа қисмидан тахминан 6081 киши кўчирилганлиги ҳақида ҳам маълумотлар учрайди<sup>8</sup>.

Р-2348 «Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Ишчиларни кўчириш ва ташкил этиш Бош бошқармаси»<sup>9</sup>, Р-2347 «Кўчириш бош

<sup>5</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви . Р - 2348, 1 - рўйхат, 34 – йиғма жилд, 1 - варақ.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2348, 1 - рўйхат, 14 – йиғма жилд, 20 - варақ.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2348, 1 - рўйхат, 14 – йиғма жилд, 21 - варақ.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2347, 1 - рўйхат, 16 – йиғма жилд, 43 - варақ

<sup>9</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2348, 1 - рўйхат, 35, 64, 57, 44, 34, 22, 17 – йиғма жилд. 1-305 - варақ

бошқармаси»<sup>10</sup>, Р-2765 «Меҳнатчиларни кўчириш ва ташкил этиш бўлими»<sup>11</sup> жамғармаларида 1950 ва 1980 йиллар бўйича Бухоро, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари кўчириш ташкилот бўлимларининг материаллари тўпланган. Жумладан, Бухоро вилоятида миллий кадрлар етишмаслиги масалалари ва меҳнаткашларнинг фаолияти билан боғлиқ ишлар ушбу ҳужжатларда кўрсатилганлиги аниқланиб берилган, айрим маълумотлар ичида бир-бирига зид бўлган статистик маълумотлар ҳам учрайди. Шунга қарамадан, бу фондлардаги баённомалар ва хатлар юртимиз тарихида ҳанузгача мавҳум бўлган Ўзбекистон аҳолиси миграциясига оид айрим маълумотларга оидинлик киритишга хизмат қилди. СССР бўйлаб саноат зоналарида кўчириш учун Оргнабордан чипта олган Трудовиклар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд бўлиб бу эса ўз навбатида Оргнаборнинг саноат миграциясига тўғридан-тўғри алоқадор эканлигини кўрсатиб беради. Тақдим этилган материаллар Бухоро вилоятида саноат миграцияси тарихини ўрганиш бўйича бир қанча аниқ далилларга асосланган маълумотларни олиш имконини берди. Ушбу фондларда келтирилган материалларда, далил ва рақамлар, кўчирилган мигрантларнинг ҳатто исми шарифларигача бўлган рўйхатлар билан боғлиқ ҳужжатларда ўз аксини топганлиги далилланди<sup>12</sup>, шунингдек бу маълумотларнинг аксарияти 1950-1980 йилларда чоп этилган газета ва журналлар билан боғлиқлиги аниқланди.

Бухоро вилояти архивидан олинган саомоқли материаллар ҳам диссертацияни ёзишда муҳим манба бўлиб хизмат қилди: 1172 – фонд «Бухоро ишчиларни ишга қабул қилишни ташкил этиш, Республика ишга қабул қилишни ташкил қилиш бош бошқармаси»<sup>13</sup>, 1234 – фонд «Бухарагазпромстрой» Ўзбекистон ССР Хўжалик Кенгаши»<sup>14</sup>, 1219 – фонд «Нефть ва газ саноати бошқармаси «Бухорогазпромстрой» ҳужжатлари»<sup>15</sup>. 1023 – фонд «Меҳнаткашлар депутатлари Бухоро вилоят Кенгаши ижроия кўмитаси»<sup>16</sup>, 946 – фонд «Бухоро вилояти статистика бош бошқармаси»<sup>17</sup>. Ижроия кўмиталарининг фармойишлари, қарорлари, саноат ходимларининг аҳволини текшириш бўйича материаллар (маълумотномалар, актлар, меморандумлар), саноат корхоналари ишчиларининг ва мутахассисларининг сони ва таркиби тўғрисидаги йиллик статистик ҳисоботлар, бундан ташқари, саноат корхоналарининг тараққиёти ва саноатда йўналтирилган мутахассислар миграциясини ўрганишга қаратилган биринчи даражали манбаларга мурожаат қилинди.

Ўзбекистон миллий архиви ва Бухоро вилоят архив фондларини ўрганиш билан бирга шаҳар ва районларнинг бир қатор архив материаллари ҳам илмий муомалага олиб кирилди.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2347, 1 - рўйхат, 74, 71, 42, 26 – йиғма жилд. 1-368 – varaқ.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2765, 1 - рўйхат, 11, 19, 3, 114, 88, 170, 9, 144, 60, 32, 37 – йиғма жилд. 1-502 – varaқ.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2348, 1 - рўйхат, 35-44-57-64 – йиғма жилд. 1-191 - varaқ.

<sup>13</sup> Бухоро вилояти давлат архиви. 1172 – фонд, 1 - рўйхат, 15-16-32 – йиғма жилд. 1-409 – varaқ.

<sup>14</sup> Бухоро вилояти давлат архиви. 1234 – фонд, 1 - рўйхат, 296 – йиғма жилд, 1-236 – varaқ.

<sup>15</sup> Бухоро вилояти давлат архиви. 1219 – фонд, 1 - рўйхат, 29-42-82-102-148 – йиғма жилд. 1-401 – varaқ.

<sup>16</sup> Бухоро вилояти давлат архиви. 1023 – фонд, 1 - рўйхат, 998-2023-110-1061-1273-1325-1388-1262-215-944 – йиғма жилд. 1-684 – varaқ.

<sup>17</sup> Бухоро вилояти давлат архиви. 946 – фонд, 1 - рўйхат, 1552-1314-1487-1513 – йиғма жилд. 1-208 – varaқ.

Бундай фондлар қаторига: 2 – фонд «Меҳнаткашлар депутатлари Зарафшон шаҳар Кенгаши ижроия кўмитаси. Умумий бўлим»<sup>18</sup>, 7 – фонд «Муран-тоу ишчилар депутатлари кенгаши»<sup>19</sup>, 17 – фонд – «Томди ва Олтинтау кишлоқ кенгаши»<sup>20</sup>. Шунингдек, Шофиркон, Гиждувон, Ромитан, Пешку<sup>21</sup>, Вобкент, Жондор туман<sup>22</sup> архивларида ҳам саноат миграциясига оид кўп сонли маълумотлар сақланмоқда. Шу билан бир каторда: 4-фонд «Ижроия кўмитаси, Меҳнаткашлар депутатлари Ромитан туман Кенгаши» (Пешку), 5-фонд – «Меҳнаткашлар депутатлари Свердлов туман Кенгаши Ижроия кўмитаси» (Жондор), 22-фонд – «Когон тумани ижроия кўмитаси», «Меҳнаткашлар депутатлари Кенгаши» (Когон), 2-фонд – «Меҳнаткашлар депутатлари Кармана туман Кенгаши ижроия кўмитаси» (Навоий), 115-фонд – «Меҳнаткашлар депутатлари Олот туман Кенгаши ижроия кўмитаси» (Олот), 1-фонд – «Меҳнаткашлар депутатлари Шофиркон туман Кенгаши ижроия кўмитаси» (Шофиркон), 3-фонд – «Гиждувон тумани ижроия кўмитаси» Меҳнаткашлар депутатлари Кенгаши» (Гиждувон), 6-фонд – «Меҳнаткашлар депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши ижроия кўмитаси» (Когон) ва бошқа фондларда сақланган ҳужжатлар оркали Бухоро вилояти шаҳар ва туманларидаги саноат миграцияси умумий ҳолати билан атрофлича танишиб чиқилди.

Кейинги манбалардан бири ўша давр матбуоти саҳифаларида босилган мақола ва хабарлар ҳисобланиб, айниқса, «Правда Востока»<sup>23</sup>, «Советская Бухара»<sup>24</sup> «Бухоро ҳақиқати» (ҳозирги «Бухоронома») <sup>25</sup>, «Зарафшанский рабочий»<sup>26</sup>, саҳифаларидаги маълумотлар ҳам диссертация мазмунини бойитишга хизмат қилди. Ушбу каби матбуот органларида Бухоро вилоятида саноат миграцияси жараёнлари хронологик тарзда бадий-публицистик баёнда акс эттирилган.

Манбаларнинг яна бир тури – тарихий воқеаларга бевосита гувоҳ бўлган шахслар томонидан ёзиб қолдирилган эсдалик ва хотиралар<sup>27</sup> ва улар билан суҳбатлар ҳисобланади. Тадқиқотда шундай эсдалик ва хотираларнинг маълумотлари ҳам манба сифатида фойдаланилди.

<sup>18</sup> Зарафшон шаҳар архиви. 2 – фонд, 1 - рўйхат, 2-18-20-34-35-42-48-49 – йиғма жилд. 1-239 – варақ.

<sup>19</sup> Зарафшон шаҳар архиви. 7 – фонд, 1 - рўйхат, 4-5-8-22-24-26-29-55-28-46-66-91-94 – йиғма жилд. 1-563 – варақ.

<sup>20</sup> Зарафшон шаҳар архиви. 17 - фонд, 1 - рўйхат, 6-13-17-28 – йиғма жилд. 1-206 – варақ.

<sup>21</sup> Пешку туман архиви. 4 - фонд, 1 - рўйхат, 180 – йиғма жилд, 1-158 – варақ.

<sup>22</sup> Жондор туман архиви. 5 - фонд, 1 - рўйхат, 380 – йиғма жилд, 157 – варақ.

<sup>23</sup> Хабибулин А. – Новоселье справят 1,150 семей. // «Правда Востока» 1964 йил 25 январь; Меркурев А. – Впереди – четвертая механизированная. // «Правда Востока» 1962 йил 20 февраль ва ҳ.к.

<sup>24</sup> Гайдуков П.Л. – Потребности народного хозяйства. // «Советская Бухара» 1958 йил 28 апрель; Пустовалов И. – В СССР безработица нет и не будет. // «Советская Бухара» 1962 йил 21 март; Газопровод перешагнул границу Хорезма. // «Советская Бухара» 1962 йил 25 март.

<sup>25</sup> Гости из соседних республик тружатыся у нас ради благо единого союза // «Бухоро ҳақиқати» 1965 йил 11 июль.

<sup>26</sup> Эскин А. – Строить жильё ритмично, добротнo, дешёво. // «Зарафшанский рабочий» 1979 йил 27 февраль.; Салихов Х. – Тысячи километров трудных кзылкумских дорог. // «Зарафшанский рабочий» 1979 йил 8 апрель.

<sup>27</sup> Кунарев А. – Прости нас «Завсклад!». – Москва: 2014. - 29 с.; Кунаев А. – Месторождение Газли к моменту наших работ. – Москва: 2014. - 39 с.; Жавлонов О. – Чўл бахорни кутади. –Тошкент: Ўзбекистон, 1978. - 50 б.; Каханов А. – Город моей молодости и романтических мечтаний. – Ташкент: 2014. – 25 с. ва ҳ.к.

Диссертациянинг манбавий асосини мустаҳкамлашда 1970-1980 йилларда меҳнат миграцияси туфайли Бухоро вилояти турли шаҳар ҳудудларидаги саноат корхоналарида фаолият юритган ишчи ва хизматчилар билан муаллифнинг турли йилларда қилган шахсий мулоқотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шахсий мулоқотларга тортилган собиқ ишчилар орасида: бўёқчи ва сувоқчи, пайвандчи, шофёр, темирйўл ишчиси, муҳандис, шунингдек, саноат корхоналарининг ижтимоий, маданий-маърифий муассасалари ходимлари кабилардан муҳим маълумотлар олинди<sup>28</sup>. Хуллас, турли касб эгаларидан 40 нафарга яқини билан шахсий мулоқотлар қилиниб, оғзаки тарих маълумотлари илмий жиҳатдан қайта ишланиб, диссертация мазмунига сингдирилди. Мазкур ишда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон аҳолисининг XX аср ўрталаридан XXI аср бошларигача бўлган миграция тарихига оид миллий ва хорижий тарихшунослик бўйича асарлар ҳам тадқиқ қилинган бўлиб, диссертация мавзусига оид тадқиқот ва адабиётларни уч гуруҳга бўлиш мумкин: 1) Совет даврида яратилган ишлар; 2) мустақиллик йилларида олиб борилган тадқиқотлар; 3) хорижий нашрлар.

Биринчи гуруҳни совет даврида яратилган асарлар ташкил этади. Совет ҳокимияти йилларида ёзилган ишларда, Ўзбекистонда миграция ва уни амалга ошириш механизми, Ўзбекистоннинг саноат зоналарида кадрлар масаласи ва уни ҳал қилиш йўллари кабилар ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу тадқиқотларда саноат миграциясининг дастлабки қадамлари ва Ўзбекистон саноат зоналарида кадрлар масаласини ўрганиш ва шакллантириш йўллари ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. Бу каби тадқиқотлар қаторида И.Р. Муллажонов<sup>29</sup>, В.В. Усмонов<sup>30</sup>, А.У.Усманов<sup>31</sup>, В.Бобоев<sup>32</sup>, Л.П.Максакова<sup>33</sup> кабиларнинг ишларини киритиш мумкин. Бироқ уларда коммунистик мафкура таъсири мавжуд булиб, миграция омили социализм ютуқларини, замонавий саноатни янги шаҳарларни вужудга келишидаги ижобий жараён сифатида бир ёклама баҳоланган. Юқоридаги муаллифларнинг асарларида Ўзбекистон аҳолиси миграцияси асосан иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан ўрганилган.

Иккинчи гуруҳ асар ва тадқиқотларга мустақиллик йилларида ёзилган ишлар киради. Бу асар ва тадқиқотлар совет ҳукумати саноат миграцияси сиёсатининг объектив ва холисона очиб беришга хизмат қилади. Ўзбекистон

<sup>28</sup> Хвастова Людмила Николаевна - 1942 йил Москвада туғилган. Темирйўл қурилишида шофёр. // Алексеева Тамара – 1950 йил Козоғистон, Зирябинск шаҳрида туғилган. Бухорода СУ-1 қурилиш зонасида бўёқчи ва сувоқчи. // Лядина Любовь Александровна – 1964 йил Тула вилояти, Новомосковск шаҳрида туғилган. Муборақда олтингургурт заводида муҳандис. // Жестков Василий Иванович – 1959 йил Вологодская вилояти, Потёмкинский районида туғилган. “Бухорогазпромқурилиш”да 5 разрядли газ ва электр пайвандчиси, юқори малакали муҳандис. 2014 йил вафот этган.

<sup>29</sup> Муллажонов И.Р. – Ўзбекистон аҳолисининг миграцион алоқалари. – Тошкент: Ўзбекистон КПМК бирлашган нашри, 1967. – 169 б.

<sup>30</sup> Усманов Б.Б. – Экономико-статистический анализ воспроизводства городского населения Узбекистана. диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. 1984. – 201 с.

<sup>31</sup> Усманов А.У. – Подготовка промышленных кадров Узбекистана и рост их творческой активности (1956-1965 гг.) диссертация на соискание кандидата исторических наук. Ташкент. 1984. – 192 с.

<sup>32</sup> Бобоев В. Аҳоли миграцияси ва миллий маданиятлар равнақи. –Тошкент: Ўзбекистон, 1986. – 25 б.

<sup>33</sup> Максакова Л.П. – Миграция населения Узбекистана, Ташкент. 1986 г. – 205 с.

аҳолиси миграцияси масаласини Республика олимларидан, В.М. Шепелов<sup>34</sup>, Л.П.Максакова<sup>35</sup>, Г.М.Шералиева<sup>36</sup>, Х.Холмўминов<sup>37</sup>, Б.Ботирова<sup>38</sup>, Х.Хушвахтов<sup>39</sup> каби олимлар ўрганган. Бухоро вилоятида совет ҳокимиятининг миграцион сиёсатига қаратилган Б.Н.Ризаев<sup>40</sup>нинг диссертацияси 1950-1970-йилларда Бухорода қишлоқ хўжалиги миграцияси масалаларини очиб беришга қаратилган. Бухоро вилоятида саноат зоналарини ривожлантириш учун малакали кадрларни жойлаштириш муаммоси юзасидан олиб борилаётган махсус тадқиқотлар бўлмасада, айрим китобларда бир қатор маълумотлар қисман бўлсада учрайди<sup>41</sup>.

Учинчи гуруҳга совет ҳукумати йилларида саноат зоналаридаги мигрантларнинг ижтимоий ҳаёти ва ҳолати тўғрисида маълумотлар хорижий тарихчиларнинг тадқиқотлари киради. Бу гуруҳга куйидаги, Фарид Шафиева, Сахадео Жеффа, Полиана Равел, Стивен Састлес, Марк Ж.Миллер ва С. Оудебертлар<sup>42</sup> китобларини киритиш мумкин.

Совет Иттифоқи ташқи миграцияси тарихи ва ички миграция сиёсати масалалари, саноат миграцияси тарихини ўрганган хорижий олимлардан, айрим муаллифларнинг асарлари танлаб олинди, булар: М.Петрусек ва Сейла

---

<sup>34</sup> Шепелов В.М. – Экономическое стимулирование научно-технического прогресса на предприятиях машиностроительного комплекса Республики Узбекистан. Ташкент. 1993. – 291 с.

<sup>35</sup> Максакова Л.П. – Миграция населения республики Узбекистан. Ташкент. Издательский дом «Эльдинур». 2000. – 268 с.

<sup>36</sup> Шералиева Г.М. – Резервы повышения фондоотдачи и цементной промышленности Узбекской ССР. – Ташкент: 1991. – 153 с.

<sup>37</sup> Холмўминов Х.Э. – Ўзбекистонда совет мустамлакачилиги сиёсатининг миграцион жараёнларга таъсири. (Жанубий вилоятлар мисолида. 1946-1991 йиллар): Тарих фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2007. 141 б.

<sup>38</sup> Ботирова Б.Н. – Ўзбекистонда ўтказилган советларнинг аҳолини кўчириш сиёсати. (1926-1941 йй): Тарих Тарих фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация. –Тошкент, 2010. - 157 б.

<sup>39</sup> Хушвахтов Х.О. – Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириб келтирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли. Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент, 2019. 149 б;

<sup>40</sup> Ризаев Б.Н – Ўзбекистонда 1950-1970-йиллари янги ерларни ўзлаштириш жараёнида аҳолини кўчириш сиёсати (Бухоро области мисолида). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация. Бухоро. 2021 йил. 158 б.;

<sup>41</sup> Иноятгов С.И., Ражабов Қ.К. - Бухоро тарихи. Тошкент.: «тафаккур», 2016. – 460 б.; Юнусов Ё. Қийин йўллардан истиқбол сари. –Олот, 1993. – 66 б.; Ражабов Қ.К., Рашидов У., Рашидов О.Р. – «Ғиждувон тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 79 б.; Ражабов Қ.К., Солиев Б. – «Қоровулбозор тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 46 б.; Ражабов Қ.К. – «Қоракул тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 65 б.; Ражабов Қ.К., Бобомуродов К. – «Шофиркон тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 125 б.; Ражабов Қ.К. – «Олот тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 45 б.; Ражабов Қ.К., Кандов Б. – «Пешку тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 45 б.; Ражабов Қ.К., Жамолова Д. – «Когон Шаҳри тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 46 б.; Ражабов Қ.К., Жамолова Д. – «Когон тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 45 б.; Ражабов Қ.К., Темиров Ф. – «Жондор тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 48 б.; Ражабов Қ.К., Максудов Р. – «Қизилтеппа тумани тарихи» қискача маълумотнома. – Тошкент. «Тафаккур» 2015. – 78 б.; Мирзакулов Б. – «Бухоро тарих зарварақларида». – Бухоро. «Дурдона» нашриёти. – 2018. 210 б.

<sup>42</sup> Farid Shafiyev. – A thesis submitted to the Faculty of Graduate and Postdoctoral Affairs in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy in History Carleton University Ottawa, Ontario. 2015. – 403.; Sahadeo Jeff. – Voices from the Soviet Edge: Southern Migrants in Leningrad and Moscow. Cornell University Press, 2019. – 288 p.; Polian Pavel – Agaits Their Will: The History and Geography of Forced Migrations in the USSR Central European University Press, 2003. – 444 p.; Stephen Castles and Mark Miller. – The Age of Migration International Population Movements in the Modern World. 4-th. Edition. Basingstoke, Palgrave-Macmillan, 2009.

Бенхабиб (инглиз тилидан В.Л.Иноземцев томонидан таржима қилинган), Седрик Аудеберт<sup>43</sup> асарларида ҳам диссертация мавзусига оид айрим маълумотлар мавжуд.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистонда ва Бухоро вилоятида кўчириш органларининг фаолияти» деб номланган. Ушбу бобда Бухоро вилоятидаги саноат ҳудудларини малакали кадрлар билан таъминлаш ва ишчилар учун уй-жой ва маиший шароитларни яратиш масалалари бўйича кўчириш органларининг фаолияти ўрганилган.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг интенсивлашуви шароитида коммунистик партиянинг асосий мақсади саноатда техник тараққиётни ва иқтисодий ўсишни тезлаштириш эди, лекин, бу вазифани ишчи кучисиз амалга ошириш мумкин эмасди. Совет давлатида ишчи кучининг етишмаслиги кўчириш органларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилишдаги омиллардан бири бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг «1941-1945-йилларда эвакуация қилинган аҳолини хўжалик фаолиятини ташкил этиш бўлими» мавжуд бўлиб, бу бўлим 1945 йил сентябр ойида «СССР Кўчириш бош бошқармаси»<sup>44</sup> - деб янгидан номланди. Ушбу бўлим ўзининг асосий кўчириш вазифаларини сақлаб қолиб, ҳукумат қарорлари билан кўчириш сиёсати қуйидагиларни ўз ичига олган эди: аҳолини кичик ҳудудли ерлардан йирик ерларга, вилоятлар-аро кўчириш, репатриация<sup>45</sup> қилинган совет фуқароларини қабул қилиш<sup>46</sup> ва ишга жойлаштириш вазифаларини ўз ичига олган.

1949 йил июль ойида СССР Вазирлар маҳкамаси ҳузурида «Кўчириш Бош бошқармаси» ташкил этилди, кўчириш бошқармасидаги бу ўзгаришлар билан ушбу бошқарма қишлоқ хўжалиги кўчириш масалаларини ўз зиммасига олди. 1950-1952 йилларда кўчириш органларини қайта ташкил этиш амалга оширилди (таъминот ва реэвакуация<sup>47</sup> бўлимларининг тугатилиши муносабати билан) ва кўчириш бошқармалари ҳудудий масалалар принципи асосида ташкил этилди. «Кўчириш Бош бошқармаси»ни тузишнинг асосий мақсади колхозчилар ва бошқа аҳолини кўчириш ишини бошқариш, янги саноат зоналари ва темир йўл қурилиши ҳудудларига жойлаштириш, шунингдек, Бухоролик ишчиларни Совет Иттифоқи ҳудудида

---

<sup>43</sup> М.Петрусек – Энтони Гидденс. Нация-государство и насилие Cambridge Polity Press, 1985. // Stephen Castles and Mark Miller – The Age of Migration International Population Movements in the Modern World. 4-th. Edition. Basingstoke, Palgrave-Macmillan, 2009 у. // Сейла Бенхабиб – Притязания культуры - равенство и разнообразия. Москва. «Логос» 2003 г. стр-247. // Audebert C. – Migration in a Globalised World New Research Issues and Prospects. University Press, 2010 у. — 222 p.

<sup>44</sup> Постановление СНК РСФСР от 14 сентября 1945 г. No 557 «О реорганизации Отдела по хозяйственному устройству эвакуированного населения в Переселенческое управление при Совнарком РСФСР и Переселенческих отделов при Совнарком автономных республик и областных (краевых) исполкомах» // СП РСФСР. 1945. No 7. С. 40.

<sup>45</sup> Репатриация – (лот.) она юртга қайтиш маъносини англатади. - Бу атама одатда ҳарбий асирлар, ўз юридан қочганлар, умуман қочоқ аҳоли, эмигрантлар, давлатларнинг парчаланиши натижасида ноқонуний равишда қочиб кетган аҳоли билан биргаликда фуқаролик ҳуқуқлари тикланган ҳолда асл ватанига қайтариш, она заминига қайтишга нисбатан қўлланилади.

<sup>46</sup> Пискунов С.А. - Государственная политика сельскохозяйственного переселения и ее реализация на территории РСФСР (2-я половина 1940 – 1980-е гг.)» автореферат на дисс. ... докт. истор. наук. –Тамбов, 2017. – с. 26.

<sup>47</sup> Реэвакуация - бу ерда тескари ҳаракат ва эвакуация деган маънони англатади. Эвакуация қилинганидан кейин аҳолини дастлабки яшаш жойларига қайтариш

Ўрмон саноатини ривожлантириш учун кўчириш жараёнлари кузатилган эди. Ўрмон саноатини ривожлантиришда бутун иттифоқ ҳудуди бўйлаб биринчи бўлиб фаслли ишларга бухоролик ишчилар борганлаги аниқлаб кўрсатилган.

Шундай қилиб, 1953 йил январ ойидан бошлаб бошқарма Жанубий ва Шарқий ҳудудлар ва Марказий районларга аҳолини кўчириш ҳамда, йирик саноат қурилиши ҳудудларига кўчириш бошқармалари кабиларга бўлинган<sup>48</sup>. Бутун республика кўчириш бошқармаси статистикаси бўйича Бухоро саноат зоналарига энг кўп ишчи кўчирилганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. «Кўчириш Бош бошқармаси» Совет Иттифоқининг Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилди<sup>49</sup>. Қуриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун мўлжалланган кўчириш сиёсати ўзини кўп куттирмасдан давлат иқтисодий инқирозига олиб келди ва саноат корхоналари бундай жараён туфайли зарар кўрди, бу эса «Кўчириш Бош бошқармаси тузилмасини кўчириш ва бўлиш тўғрисида»ги янги қонуннинг қабул қилинишига олиб келди. Қуриқ ва бўз ерларда кўчириш сиёсати жараёнида Ўзбекистон бўйлаб деҳқон ва ишчилар асосан ҳозирги Мирзачўл ҳудудида кўчирилган<sup>50</sup>.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1960 йил 30 апрелдаги 403-сонли фармони билан ташкилий ишга қабул қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бош бошқармаси «Кўчириш Бош бошқармаси» ва «Ишчиларни ташкилий ишга қабул қилиш» тарзида қайта ташкил этилди<sup>51</sup>, шу билан биргаликда бўлимнинг штатлари ҳам ўзгартирилди, унинг таркибига: бўлим бошлиғи, ишчиларни ташкилий жалб қилиш ва кўчириш бўйича туман комиссари (ўринбосар), катта ҳисобчи ва кўриқчи кирган эди<sup>52</sup>. Янги турдаги Кўчириш бош бошқармасининг қайта ташкил этилиши Ўзбекистон ССРнинг ҳамма вилоятларига, шунингдек, Бухоро вилоятида ҳам «Оргнабор»нинг таркибий ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди.

1965 йил сентябр ойида КПСС Пленумида «Саноатни бошқаришни, режалаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш тўғрисида<sup>53</sup>»ги қонун қабул қилинди, бу қонун саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишини рағбатлантирилди, бу эса ўз навбатида барча қурилиш ва саноат зоналарига миграция оқимини кучайтирди.

Ишчиларни кўчириш ва ташкилий ишга қабул қилиш бўлимнинг асосий вазифаларидан бири фуқароларни иш билан таъминлаш эди, шунинг учун КПСС Марказий қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1966 йил 22 декабрдаги 970 – сонли қўшма қарорлари билан, «Кўчириш бош бошқармаси

<sup>48</sup> Ўзбекистон Миллий Архиви. Р – 2347, 1 - рўйхат, 26 – йиғма жилд, Л.32

<sup>49</sup> Политбюро ЦК ВКП(б) и Совет Министров СССР. 1945-1953. М., 2002. С. 39, 41; Жуков Ю.Н. «Гордиться, а не каяться! Правда о Сталинской эпохе». Москва., 2011 г. С. 52-53.

<sup>50</sup> Хушвақтов Х.О. – Мирзачўлни ўзлаштириш учун аҳолини кўчириб келтирилиши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли. Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган автореферат. Тошкент, 2019. 25 б;

<sup>51</sup> Бухоро вилояти давлат архиви. 1172 - фонд, Оп. – 1, дела - 16, Л.116

<sup>52</sup> Бухоро вилояти давлат архиви 1172 - фонд, 1 - рўйхат, 16 – йиғма жилд, 119 - варақ.

<sup>53</sup> Сырош Н.В., «Реформы А.Н.Косыгина: анализ и оценка с точки зрения современных экономических реформ. – Ученые записки Таврического национального Университета имени В.И.Вернадского». // Серия «экономика и управления» том – 26, (65). №1, ст-149.

ва ишчиларни ташкилий ишга қабул қилиш бошқармасини» «Меҳнат кўмитасига айлантириш тўқрисида»ги қарор қабул қилинди. Ўз навбатида, иттифоқ республикаларида ҳам Меҳнат кўмиталари ташкил этилиб, уларнинг вазифаси меҳнатга лаёқатли фуқароларни саноат зоналари ва қурилиш объектларида иш билан таъминлаш ва шу билан бирга мактабни тугатган ёшларни ҳам ишга жойлаштириш эди.

СССРнинг 1977 йилдаги Конституциясига ва 1978 йил 5 июлдаги «СССР Вазирлар Кенгаши тўғрисида»ги қонунга мувофиқ СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1978 йил 5 июлдаги Фармони билан (№ 1). 7766-ИХ рақамли), СССР Вазирлар Кенгашининг давлат кўмиталари СССР давлат кўмиталари деб ўзгартирилди. Шу билан бирга, 1980-йилдан «Меҳнатни кўчириш ташкилоти» бўлими ташкил этилди, шунингдек, «Кўчириш қурилишини назорат қилиш бўлими» ўрнига «Хўжалик мигрантларини қабул қилиш ва назорат қилиш бўлими»<sup>54</sup> ташкил этилди. 1950-1980 йиллардаги Ўзбекистон ССР уюшган ишга қабул қилиш ва кўчириш бошқармасининг меҳнат бўлими натижаларига кўра, меҳнат мигрантларнинг ўртача сони 1,2 миллион кишини ташкил этиб, саноат ва қурилиш зоналарида ишчи кучи кўрсаткичи 225%ни ташкил этди<sup>55</sup>, шулардан 72%<sup>56</sup> Бухоро вилоятига тегишли эди.

Хуллас, 1950-1980-йилларда Ўзбекистон, шунингдек, Бухоро вилоятида кўчириш ва миграция жараёнларини уюштириш, кўчирилганларни жойлаштириш ҳамда саноат миграциясини тартибга солиш билан боғлиқ бир қатор ташкилотлар фаолият юритганлиги аён бўлади.

Диссертацияда саноат зоналарини ривожлантириш ва ёшларни ишга жойлаштиришни яхшилаш бўйича урта асосий сабаблари кўрсатилган.

1) Ўрта Осиёда шароитида саноат корхоналаридаги миграциянинг муҳим омилларидан бири бу юқори маош ва шунингдек, ҳар бир ишчи мигрант учун бу маънавий синов ва бурч ҳисобланган;

2) Саноат ва қурилиш зоналаридаги маълум йўналишларда ёш ишчилар илғор технология, ташаббускорлик ғоялари ва шу билан бирга янги инновацион имкониятларга эга бўларди;

3) Бу ёшлар учун кафолатланган мутахассислик таълими шунингдек, профессионал тайёргарлик кўриш ва уни шакллантириш учун қулай жой ҳисобланган.

Шу сабабларнинг яққол далили бу 1960 йил 1 октябрдаги маълумотнома ҳисобланиб, унга кўра 9 ой давомида ташкиллантирилган ишга қабул қилиш (Оргнабор) томонидан саноат корхоналари ва қурилиш объектларга ишга қабул қилинганлар сони 10378 нафарни ташкил этган. Республика бўйича ишга жойлаштириш режаси эса 90,2%га бажарилгани ҳақида маълумотлар учрайди. Ҳисоботлар бўйича Бухоро вилояти 1960 йил 1 сентябр маълумотларига кўра 870 киши юборган бўлса, 1 октябрда бу кўрсаткич 977<sup>57</sup> кишини

